

ЎҚУВЧИЛАРНИ ТИКУВ МАШИНАЛАРИДА ИШЛАШ УҚУВИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ ШАРОИТЛАРИ

Ҳамиева Махмуба

*А.Қодирий номидаги ЖДПИ , Технологик таълим йўналиши 2-босқич
магистранти, Жиззах, Ўзбекистон
e-mail: hamiyeva_m2021@gmail.com*

***Аннотация.** Ушбу мақолада Технология таълимини сервис хизмат кўрсатиши йўналишини газламаларга ишлов бериши технологияси бўлимида ўқувчиларда тикув машиналарида ишлаш уқувини ҳосил қилдириши асослари келтирилади.*

***Калит сўзлар:** методология, компетенция, уқув, ёндашув, уқув.*

***Аннотация.** В данной статье представлены основы технологического образования в сфере сервисных технологий в области технологии обработки тканей для формирования у студентов навыков работы на швейных машинах.*

***Ключевые слова:** методология, компетенция, обучение, подход, обучение.*

***Annotation.** This article presents the basics of technological education in the field of service technologies in the field of fabric processing technology for the formation of students' skills in working on sewing machines.*

***Key words:** methodology, competence, learning, approach, learning.*

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли фармонида таълимнинг устувор вазифалари белгилаб қўйилган. Шунга мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур ва долзарб ҳисобланади. Шунга мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларида умумтаълим фанларини ўқитишнинг амалий савиясини ошириш учун янгича компетенциявий ёндашув асосида барча илмий ва

услубий таъминотни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардир. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида мажбурий фан ҳисобланадиган амалий фанлар гуруҳидаги Технология фанини технология ва дизайн, сервис хизмати, қишлоқ хўжалик асослари йўналишлари бўйича ўқитиш жараёнини амалий савиясини ошириш ёш авлодни умуммеҳнат кўникмалари билан қуроллантириш ва уларни онгли равишда касбга йўналтириш ишларида самарага эриштиради. Технология ва дизайн йўналиши бўйича ўқитишда ўқувчиларда ёғоч, металл ва полимер материалларга қўлда ва станокларда ишлов бериш кўникмалари шакллантирилади (техник меҳнат уқуви шакллантирилади), уларни шу йўналишга оид касбларга йўналтириш ишлари олиб борилади. Қишлоқ хўжалик асослари йўналиши бўйича ўқитишда ўқувчиларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёни, яъни ерни ўғитлаш ва ишлаш, экишга тайёрлаш, экиш ва ўтқозиш, парваришлаш экин ҳосилини йиғиштириб олиш, ҳайвонларни парваришлаш каби қишлоқ хўжалик меҳнат уқувлари шакллантирилади, уларни онгли равишда қишлоқ хўжалигидаги касбларга йўналтирилади. Технология таълимини сервис хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича ўқитишда ўқувчиларга озиқ овқат маҳсулотларига ишлов бериш усуллари, таом тайёрлаш технологияларини, газламаларга ишлов бериб маҳсулот яратиш технологияларини ўргатилади, уларда хизмат кўрсатиш меҳнат уқувлари шакллантирилади, уларни хизмат кўрсатишга оид касбларни онгли равишда танлашга йўналтирилади. Ушбу ишда технология таълимини сервис хизмат кўрсатиш йўналишини газламаларга ишлов бериш технологияси бўлимига оид бўлган ўқувчиларда тикув машиналарида ишлаш ўқувини шакллантириш муаммоси ҳақида боради.

Технология таълимини сервис хизмати йўналишини газламаларга ишлов бериш технологияси бўлиmidан ДТС буйича ўқувчиларга тикув машиналари ҳақида ўргатишга мўлжалланган мавзулар тўплами 5-7 синфларда жойлаштирилган. ДТС бўйича 5-синфларда ўқувчиларга қўл юритмали тикув машиналари, 6 - синфларда оёқ юритмали тикув машиналари, 7- синфларда

электр юритмали тикув машиналари ҳақида ўргатишга мўлжалланган мавзулар тўплами берилган. Шунини таъкидлаш керакки, тикув машиналарини 5-7 синфлараро ўқитиш тўғри тақсимланган, аммо назаримизда уларда ишлаш бўйича ўргатишга мўлжалланган дарс манба ва материалларини ўқув топшириқларини бажариши бўйича берилиши дидактик кетма-кетлик талаб асосида эмас. 5-7 синфлараро тикув машиналари тузилиши ва ишлаш принципларига оид дарс материаллари тўғри берилган, аммо назаримизда уларда бажариладиган меҳнат операцияларига оид амалий машғулотларда ўқувчилар ўқув топшириғини бажаришга оид дарс материаллари тўғри қўйилмаган, ўқувчиларни тикув машиналарида ишлаш кўникмасини тўлиқ эгаллашлари учун нимадир етишмайди.

Шу боисдан 5-7 синфларда ўқувчиларга тикув машиналарида ишлаш кўникмасини ҳосил қилишлари учун ўқувчилар амалий машғулотларда бажарадиган ўқув топшириқларига мўлжалланган дарс материалларини услубий таҳлил асосида ўргатишга мўлжаллашни ўйлаб кўриш керак. Бизнинг фикримизча юқоридаги 5-7 синфлараро ўргатишга мўлжалланган дарс материалларини танлашда, аввало ўқувчилар физиологик интеллектуал сифатини эътиборга олиш керак бўлади, танланган дарс материали бўйича ўқув меҳнат топшириқларини бажаришга ва машқ қилишга қурби етсин, ўқувчилар онгли равишда қизиқиш билан ўқув меҳнат топшириқларини бажарсинлар. Шундагина ўқувчиларда тикув машиналарда ишлаш кўникмасини ҳосил қилдириш бўйича олиб бориладиган машғулотлар самарали бўлади. Хўш, 5-7 синфларга ўқувчиларга тикув машиналари ҳақида ўргатишга мўлжалланган дарс манба ва материалларини қандай мезонлар асосида танлаш керак бўлади?, синфлараро қай тартибда бериш керак бўлади?.

Технология таълимини амалий машғулотларида қайси йўналиши бўлишидан қатъий назар, амалий машғулотларда ўқувчилар машқ асосида бажарадиган ўқув меҳнат топшириғига оид дарс манбалари юқоридаги услубий шартлар асосида танланиши керак бўлади. Шунингдек, технология

таълимини сервис йўналиши бўйича газламаларга ишлов бериш технологияси бўлими бўйича 5-7 синфларда ўқувчиларга тикув машиналарида ишлаш уқувини шакллантиришга қаратилган мавзулар тўпламини дарс материаллари юқоридаги талабларни қониқтирмайди. Бу дарс материалларини танлашда аввалом бор ўқувчи ўқув меҳнат топшириғини бажаришида нима иш қилаётганини тўғри фаҳмлай олиши керак, ушбу топшириқда тайёрланаётган ёки ясалаётган меҳнат буюмлари ҳақида тасаввурга эга булиши керак. Шунда ўқувчи бажараётган меҳнат топшириғи нима билан яқунланишини билади ва қизиқиб тўғри бажаришга, сифатли, қулай, қуринишли қилишга ҳаракат қилади.

Шундай экан, технология таълимини сервис йўналиши бўйича газламаларга ишлов бериш технологияси бўлими бўйича 5- синфда ўқувчиларга тикув машиналарида ишлаш уқувини шакллантиришга қаратилган мавзулар тўплами қўл юритмали тикув машиналарини вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойиллари, тикув машинани ишга тайёрлаш, ишлатиш, созлаш ва таъмирлашга оид бўлиши керак. Ҳозирда бу айтилганлар ҳаммаси бор, фақат қўл юритмали тикув машинасида қандай газламаларга ишлов бериш жараёнини дарс материаллари сифатида танлаш керак бўлади. 5- синф ўқувчилари физиологик интеллектуал ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларни қурби ва фаҳми етадиган ўқув меҳнат топшириқлари сифатида мактабгача бўлган болалар кийим кечагини тайёрлаш мисолида олиш мақсадга мувофиқ бўларди.

5- синф ўқувчилари тикув машинасида ишлаш уқуви ҳосил қилдириш учун кийим буюм маҳсулотларини тайёрлашнинг барча жараёнларини, яъни ўлчов олиш, андоза тайёрлаш, андозани жойлаштириш, бичиш, тикиш операциялари мактабгача ёшдаги болаларни кийим-кечаги ва газламалардан тайёрланадиган оддий ўй-рузғор (чойнак ёпгич, қўл артгич ва ҳоқозо) буюмлари мисолида бўлса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки 5-синф ўқувчилари мактабгача болаларни кийим кечаги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади ва уларни тайёрлашда нимани тайёрлаётгани аниқ билади ҳамда шу

тикилаётган кийимчаларни қизиқиш билан ўқув меҳнат топшириқларини машқ қилиш асосида бажариш натижасида уларда тикув машинасида ишлаш ўқувини шаклланиш самараси бўлади. Бундан ташқари, технология таълимини халқ ҳунармандчилиқ бўлимини амалий машғулотида тикув машиналарида кашта тикиш машқлари бўлиши мумкин. Бу синфда тикув машинасида ишлаш ўқувчиларда шакллантиришнинг бошланғичи ва асоси бўлади.

6-синф ўқувчиларига тикув машиналарида ишлаш ўқувини ҳосил қилдиришга мўлжалланган дарс материалларига 5-синфда ўрганилган дарс материаллини давоми сифатида ўқувчилар 5-синфга нисбатан осон ўзлаштири оладиган оёқ юритмали тикув машинаси вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойиллари, ишга тайёрлаш, ишлатиш, сошлаш, таъмирлаш жараёнлари ҳозирдагидек берилади. Ўзлаштириш осонлиги сабаби иккала юритмали тикув машинани ишлаш принципи деярли бир хил, фақат ҳаракат узатиш узатмалари фарқ қилади. Шунингдек, асосийси бу синфда ўқувчиларда тикув машиналарида ишлаш ўқувини шакллантиришда давом этиши учун бу йўналиш бўйича амалий машғулотларда ўқув меҳнат топшириғига оид дарс материалларига газламалардан кийим маҳсулотлари тайёрлаш машқларига ўсмир мактаб ёшидаги ўқувчилар кийим кечагини тайёрлашнинг меҳнат операцияларини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, технология таълимини халқ ҳунармандчилиқ бўлимини амалий машғулотида тикув машиналарида зардўзлик, қийиқчилик, чопончилик, сўзанаичлик машқлари бўлиши мумкин. Бу синфда тикув машинасида ишлаш ўқувчиларда шакллантиришнинг давоми бўлади.

7-синф ўқувчиларига тикув машиналарида ишлаш ўқувини ҳосил қилдиришга мўлжалланган дарс материалларига 5-6 синфларда ўрганилган дарс материаллини давоми сифатида электр юритмали тикув машинаси вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойиллари, ишга тайёрлаш, ишлатиш, сошлаш таъмирлаш жараёнлари ҳозирдагидек берилади. Бу синфда ўқувчиларда тикув машиналарида ишлаш ўқувини шакллантиришда давом этиши учун бу

Йўналиш бўйича амалий машғулотларда ўқув меҳнат топшириғига оид дарс материалларига газламалардан кийим маҳсулотлари тайёрлаш машқларига катта ёшидаги инсонлар кийим кечагини тайёрлашнинг меҳнат операцияларини танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, технология таълимини халқ хунармандчилиқ бўлимини амалий машғулотларида тикув машиналарида зардўзлик, гиламчилик, чармдўзлик, мўйначилик машқлари бўлиши мумкин. Бу синфда тикув машинасида ишлаш ўқувини ўқувчиларда тўлиқ деярли 80% шакллантириш бўлади.

Шундай қилиб, 5-7 синфларни ўқувчиларида газламага ишлов бериш технологиясида тикув машиналарида ишлаш ўқувини шакллантириш самарасини оширишда тикув машиналарида ишлашни ўргатишга мўлжалланган мавзулар тўплами дарс материалларини танлашда ўқувчилар интеллектуал салоҳиятини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.П.Рогова. Эркаклар ва болалар устки кийимини конструкциялаш асослари. Тошкент. Ўқитувчи. 1988 йил.

2. Г.К.Қасанбаева. Кийим моделини ишлаш ва конструкциясини тайёрлаш. Тошкент. Ўқитувчи. 1990 йил.